

energiyadan foydalanish uchun xizmat qilishda va samaradorlikka erishish uchun qilinayotgan chora-tadbirlarni amalga oshirish natijasida yillik qo'yilgan maqsadlarga erishish uchun asosiy poydevor bo'lib xizmat qilishi kutiladi.

Xulosa va takliflar. Amalga oshirilgan tadqiqotlar va tahlillar asosida yashil iqtisodiyotga o'tish jarayonida energetika bo'yicha energiya samaradorligini oshirish, qayta tiklanuvchi energiyaga o'tish bo'yicha quyidagilarga e'tibor qaratish lozim deb hisoblaymiz:

Birinchiidan, global miqiyosda yashil iqtisodiyotga o'tish maqsadlariga muvofiq harakatni amalga oshirishda ekologik innovatsiyalardan foydalanishni kengroq yo'lga qo'yish lozim. Bu orqali ko'rilayotgan chora-tadbirlar atrof-muhitga salbiy ta'sirini kamaytirish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanishga erishish mumkin.

Ikkinchidan, yashil iqtisodiyotga o'tish maqsadlarini qo'llab-quvvatlovchi yashil moliya instrumentlarini joriy qilib foydalanishni ko'paytirish, bu orqali rejalashtirilgan moliyaviy barqarorlikka erishishga va global muammolarni mamlakat miqiyosida bartaraf etishga erishish mumkin.

Uchinchiidan, ekologik muammolar uchun ishlab chiqilayotgan yechimlarni amalga oshirishda tartibga soluvchi davlat ichki va xalqaro-huquqiy bazasini shakllantirish, hukumat tomonidan qo'llab-quvvatlash ishlarini oshirish zarur.

To'rtinchiidan, ekologik xavfsizlikni ta'minlash maqsadida mamlakat aholisi yashash sharoitlarini yengillashtirib berishga xizmat qiluvchi innovatsion ekologik toza texnologiyalardan foydalanishni ko'paytirish uchun hukumat tomonidan qo'llab-quvvatlash ishlarini olib borishi va nodavlat-notijorat tashkilotlariga ham yuklash ishlarini olib borishi zarur.

Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi 28.01.2023. PF-60-sonli Farmoni. <https://lex.uz/docs/-5841063>
2. Franklin Amuakwa-Mensah, Elin Nasstrom., Role of banking sector performance in renewable energy consumption. Vol. 306, 15 January 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0306261921013222>
3. Huaping Sun, Gulzara Tariq, Ik Joong Youn, Sofia Mansoor. Impacts of green energy finance on eco-friendly environments. Vol.79, Dec. 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0301420722005785>
4. Samar S.Alharbi, Md Al Mamun, Sabri Boubaker, Syed Kumail Abbas Rizvi. Green finance and renewable energy: A worldwide evidence. Vol.118, February 2023. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0140988322006284>
5. United States Environmental Protection Agency https://www.epa.gov/sites/default/files/2018-10/documents/usepa_greenbankingstrategies_october_2018.pdf
6. Bannopov F. Yashil obligatsiyalar va ularning keng ko'lamlil rivojlantirish imkoniyatlari. Moliya va Bank ishi jurnali. 3 (2022) <http://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/34/32>
7. Nurov Z. Yashil iqtisodiyotda energetika sohasining iqtisodiy-investitsion holati va rivojlanish tendensiyalari. Central Asian Academic journal of scientific research. Vol.2. issue 5, 2022.
8. A.A.Iasdjanov. "Yashil iqtisodiyot":xususiyatlari va rivojlanish omillari. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/14/10>
9. M.Pardayev. "Yashil iqtisodiyot nima?", maqola. [Yashil iqtisodiyot nima? - zarnews.uz](https://www.zarnews.uz)
10. Sociology group rasmiy internet sayti. <https://www.sociologygroup.com/green-economy/>
11. BMT rasmiy sayti <https://www.un.org/en/chronicle/article/goal-17-enabling-sustainable-future-through-joint-action-countries-and-communities-revitalized>
12. Birlashgan Millatlar Tashkiloti O'zbekiston vakolatxonasi rasmiy sayti. <https://uzbekistan.un.org/uz/110345-17ta-dunyoni-ozgartirishga-yonaltirilgan-barqaror-rivojlanish-maqsadlari>
13. O'zbekiston Respublikasi Energetika Vazirligi rasmiy internet sayti. <https://minenergy.uz/uz/news/view/2211>
14. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2023-yilda Qayta tiklanuvchi energiya manbalarini va energiya tejoychi texnologiyalarni joriy etishni jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi"gi 16.02.2023 PQ-57-son qarori. <https://lex.uz/uz/docs/-6385716>
15. O'zbekiston Respublikasi Markaziy Banki ma'lumotlari 01.04.2023.



КРЕДИТ МЕХАНИЗМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Гадоев Сўҳроб Жумакулович -
Термиз давлат университети

Молия кафедраси мудири, PhD, доцент

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a11

Аннотация. Кредит механизмининг самарадорлиги бевосита унинг элементлари ўртасидаги алоқадорликнинг уйғунлиги таъминланганлиги билан белгиланади. Хусусан, кредит механизмидаги элементлардан биронтасининг самарасиз ишлаши бутун механизмининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, кредит шартномасини тузишда камчиликларга йўл қўйилиши кредит рискин даражасининг ошишига олиб келади. Мақолада кредит механизмининг элементлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлашга қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кредит, кредит механизми, кредит шартномаси, кредитлаш шакллари, кредитларнинг таъминоти, кредит рискин.

СПОСОБЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ЭЛЕМЕНТАМИ КРЕДИТНОГО МЕХАНИЗМА

Гадоев Сухроб Жумакулович -
Заведующий кафедрой финансов Термезского
государственного университета, PhD, доцент

Аннотация. Эффективность кредитного механизма напрямую определяется обеспечением гармонии взаимоотношений между его элементами. В частности, неэффективная работа любого из элементов кредитного механизма негативно сказывается на эффективности всего механизма. В частности, допущение ошибок при заключении кредитного договора приводит к повышению уровня кредитного риска. В статье разработаны научные предложения, направленные на обеспечение связи между элементами кредитного механизма.

Ключевые слова: кредит, кредитный механизм, кредитный договор, формы кредитования, предложение кредитов, кредитный риск.

WAYS TO ENSURE RELATIONS BETWEEN THE ELEMENTS OF THE CREDIT MECHANISM

Gadoev Suhrob Jumakulovich -
Head of the Department of Finance, Termiz
State University, PhD, associate professor

Abstract. The effectiveness of the credit mechanism is directly determined by ensuring the harmony of the relationship between its elements. In particular, the inefficient operation of any of the elements of the credit mechanism adversely affects the effectiveness of the entire mechanism. In particular, making mistakes when concluding a loan agreement leads to an increase in the level of credit risk. The article developed scientific proposals aimed at providing a connection between the elements of the credit mechanism.

Key words: credit, credit mechanism, credit agreement, forms of credit, credit offer, credit risk.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонида молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татиқ этиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса кредит механизмни тақомиллаштириш заруратини юзага келтиради. Ўз навбатида, кредит механизмни тақомиллаштиришнинг зарур шarti бўлиб, унинг элементлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан кредит механизмнинг элементлари сифатида қуйидагилар эътироф этилган:

- кредит шартномаси;
- кредитни бериш ва қайтариш тартиби;
- кредитнинг турлари;
- кредитлаш шакллари;
- кредитларнинг таъминоти;
- кредитларнинг фоиз ставкалари;

– кредит олувчининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартиби [2].

Кредит шартномасини тузишга нисбатан бир қатор талаблар мавжуд бўлиб, улар иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Масалан, О.Лаврушининг хулосасига кўра, кредит шартномасининг шартлари тижорат банкни кредит risksдан ҳимоя қилиш ва кредит олган субъектнинг кредитдан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш имконини бериши керак [3].

Е.А.Шкарупанинг хулосасига кўра, кредит механизми ўзаро боғлиқ элементларнинг ҳаракатлари мажмуи бўлиб, ссуда капитали ҳаракатининг намоён бўлиш шаклидир [4].

А.Ю.Роднина кредит механизмни таркибий-функционал ёндашув ва кредитнинг доиравий айланиши талқини нуқтаи-назаридан қарайди ва унга қуйидагича таъриф беради: “Кредит механизми кредит муносабатлари иштирокчиларининг ўзаро келишилган манфаатлари бўлиб, ўзида ҳам ссуда капиталининг ҳаракати мақсадларини, ҳам кредитнинг рағбатлари ва трансформациясини акс эттирувчи ўзаро алоқалар ва муносабатлар тизими шаклида намоён бўлади” [5].

В.Усоскиннинг хулосасига кўра, тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида тижорат банкларининг кредитлари учун таъминотнинг кенг тарқалган турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ер;

- қимматли қоғозлар;
- дебитор қарздорлик;
- товарлар билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар асосида тақдим қилинган товарлар;
- суғурта полислари [6].

И.Алимардонов томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатдики:

*республика банклари талаб қилаётган юқори ликвидли гаров объектлари кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмас;

*кичик бизнес субъектларига республика миз тижорат банклари томонидан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилётган кредитларнинг фоиз ставкалари юқорилиги;

*кичик бизнес субъектларини банклар ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан кредитлашнинг услубий асослари такомиллашмаган. Хусусан, банклар томонидан кредитлашнинг услубий асослари қайси принципларга таяниши, уларнинг нобанк кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш принципларидан фарқ қилувчи жиҳатлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ўз ифодасини топмаган [7].

Тадқиқот методологияси. Кредит механизмнинг элементлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш йўллари тадқиқ қилиш жараёнида хориж ва ўзбекистонлик иқтисодчи-олимларнинг илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса қилинди ва таклифлар берилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида кредитлашнинг энг кенг қўлланиладиган шакли бўлиб, алоҳида ссуда счётидан бир маротабали кредитлаш шакли ҳисобланади. Аммо ушбу кредитлаш шакли қуйидаги жиддий камчиликларга эга:

* кредитни бўлиб тўлашга рухсат этилмайди;

* кредитдан фойдаланилиши устидан назорат қилиб бўлмайди;

* кредитдан фойдаланиш самарадорлиги паст.

Англия банк амалиётида овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит rischi даражаси ошиб кетишининг олдини олиш учун кредит олган мижозга ҳар ойнинг сўнгги иш кунида жорий ҳисоб рақамининг кредитли қолдиққа эга бўлишини таъминлаш талаби қўйилади.

Пластик карталар эгаларини банклар томонидан овердрафт шаклида кредитлаш жараёнида юзага келадиган кредит riskлари билан бир вақтнинг ўзида операцион riskка ҳам эътибор қаратиш талаб этилади. Бунинг сабаби шундаки, операцион risk даражасининг ошиш эҳтимоли овердрафт кредитлаш шаклида нисбатан юқоридир. Чунки овердрафт таъминланмаган кредит бўлиб, мижозни кредитлаш лимитини катта миқдорда ошириш имконияти мавжуд.

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, кредит riskини бошқариш амалиёти такомиллашган шароитда овердрафт кредити тижорат банклари учун юқори даромад келтирувчи актив бўлиб ҳисобланади. Лекин бошқа томондан овердрафт кредити реал таъминотга эга бўлмаган юқори riskли актив ҳисобланади. Бу эса кредит riskини бошқаришнинг долзарблигини оширади.

Кредит олувчиларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартиби тижорат банклари ва кредит олувчилар ўртасидаги кредит муносабатларининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

АҚШ тижорат банклари мижозлари бўлган юридик шахсларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда 4 гуруҳга мансуб бўлган кўрсаткичлардан фойдаланади [8]:

- ликвидлилик кўрсаткичлари;
- капиталнинг айланиши;
- жалб қилинган маблағлар;
- фойда кўрсаткичлари.

1-жадвал

Нью-Йорк (АҚШ) тижорат банкининг мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда қўллайдиган молиявий коэффицентлари ва уларнинг меъёрий даражалари [9]

Кредит тўловига лаёқатлилик кўрсаткичлари	Меъёрий даража
Жорий ликвидлилик коэффицентини	2 : 1
Тезкор ликвидлилик коэффицентини	1 : 1
Молиявий левежи коэффицентини	1 : 1
Молиявий маржа коэффицентини	1 гача

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Нью-Йорк банки мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда 4 та молиявий коэффицентдан фойдаланади. Республика миз банклари амалиётида мазкур коэффицентлар-

нинг фақат биттаси, яъни жорий ликвидлилик коэффицентини қўлланилади.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилиги-

ни баҳолашда молиявий коэффициентлар усулидан ташқари миждознинг умумий пул оқими баҳолаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Компаниянинг умумий пул оқими пул маблағлари кирими суммаси билан пул маблағлари чиқими суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Корхоналарда пул маблағларининг кирими қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- таҳлил қилинаётган давр мобайнида олинган фойда;
- асосий воситаларга ҳисобланган амортизация ажратмалари;
- дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларига жойланган маблағларнинг бўшаб қолиши;
- кредитор қарздорлик миқдорининг кўпайиши;
- тижорат банкларидан кредитлар олиш;
- акциядорлик капитали ва бошқа пассивлар суммасининг ошиши;
- молиявий грантлар жалб қилиш.

Корхоналарда пул маблағларининг чиқими, одатда, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- дебитор қарздорлик ва товар-моддий захираларга қўшимча маблағлар жойлаштириш;
- солиқлар, фоизлар, дивидендлар, бўнаклар тўлаш;
- пеня ва жарималар тўлаш;
- банклардан олинган кредитларни тўлаш;
- тижорат кредитлари бўйича асосий қарз суммаси ва фоизларни тўлаш;
- кредитор қарздорлик миқдорининг камайиши;
- акциядорлик капитали суммасининг камайиши.

Таъкидлаш жоизки, корхонанинг умумий пул оқимини таҳлил қилиш асосида унинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиётининг икки шакли мавжуд.

Биринчи шаклда корхонанинг умумий пул оқимини барча қарз мажбуриятлари суммасига бўлиш орқали унинг кредит тўловига лаёқатлилиги аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Корхона умумий пул оқимининг унинг жами мажбуриятларига нисбатан даражасига кўра кредит тўловига лаёқатлилиқ мезонлари ва синфлари [10]

Умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси	Кредит тўловига лаёқатлилиқ бўйича синфлар
0,75	I
0,50	II
0,30	III
0,25	IV
0,20	V
0,15	VI

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, корхона умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг кредит тўловига лаёқатлилиқ даражаси шунча юқори бўлади. Бу эса биринчидан, пул маблағларининг ликвидлилиқ даражаси энг юқори бўлган актив эканлиги билан, иккинчидан, тижорат банклари кредитларини корхонанинг жорий ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисобидан тўланиши билан изоҳланади.

В.Усоскиннинг тижорат банкларининг кредитлари таъминоти хусусидаги хулосаси тараққий этган мамлакатлар тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш натижаларига асосланган. Таъкидлаш жоизки, мазкур хулосанинг Ўзбекистон банк амалиёти учун қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- республикамизда ер майдонлари давлатнинг мулки ҳисобланади, юридик шахслар жойлашган ер майдонлари тижорат банклари учун гаров объекти бўла олмайди;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тўловсизлик муаммоси мавжуд бўлганлиги сабабли (2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республика иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси атиги 19,1 фоизни ташкил этди) дебитор қарздорликнинг айланиш тезлиги сезиларли даражада паст;

- тижорат банклари ва суғурта компаниялари ўртасидаги молиявий муносабатлар ривожланмаганлиги сабабли суғурта полисларининг тижорат банклари кредитларининг таъминоти ҳажмидаги салмоғи жуда кичик.

Тижорат банклари кредитларининг миждоз томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлашда кредит олган миждозга қўйиладиган чеклов талаблари муҳим роль ўйнайди. Халқаро банк амалиётида бундай чекловлар мажмуига қуйидагилар киради:

- айланма капитални маълум даражада сақлаб туриш мабуриятини ўрнатиш;
- акциядорлик капиталининг барқарор даражасини таъминлаб туриш;

– баланс коэффициентларининг белгиланган миқдорига риоя қилинишини таъминлаш (ликвидлилик коэффициенти ва шу кабилар);

– умумқабул қилинган барча бухгалтерия ҳисоби қоидаларига риоя қилган ҳолда тайёрланган молиявий ҳисоботларни доимий тарзда тақдим қилиш;

– молиявий ҳолатининг ҳар қандай ёмонлашганлиги ва ҳар қандай ноқулай ўзгаришлар тўғрисида банкни хабардор қилиш;

– бахтсиз ҳодисалардан зарур суғурталашни таъминлаш;

– солиқлар ва бошқа мажбуриятларни доимий тарзда тўлаш, уларнинг ўз вақтида тўланмаслиги мулкка тақиқ қўйилишига олиб келиши мумкин;

– бино ва иншоотларни зарур даражада таъмирлашни таъминлаш;

– банк ходимларига компаниянинг бухгалтерия китобларини текшириш имконини бериш керак, ушбу текшириш ҳисоботларда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини аниқлаш имконини беради;

– компанияга нисбатан қўлланилиши кўзда тутилаётган чоралар ёки суд орқали бўладиган таъқиблик тўғрисида банкка хабар бериш [11].

Тижорат банклари кредитларининг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб, тўловлар кетма-кетлиги ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилмоқда. Ушбу кетма-кетликда корхонанинг давлат бюджети олдидаги қарздорлигини тўлашга устуворлик берилади. Шу сабабли давлат бюджети олдида солиқлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги бўлган корхоналар кредитлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмайди. Бу эса кредит олмоқчи бўлган ва кредит олган мижозларнинг давлат бюджети олдидаги қарздорлигини ва ушбу қарздорликни ўз вақтида тўлай олиш имкониятларини баҳолаш заруратини юзага келтиради [12].

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида имтиёзли кредитлар бўйича кредит rischi тижорат банкларининг зиммасига юкланган. Бу эса имтиёзли кредитлар бўйича тўлов юқини ва қоплаш манбаларини тўғри ва аниқ ҳисоблаш заруратини юзага келтиради.

Тараққий этган мамлакатларда имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан берилади, аммо кредит rischi тижорат банкларининг зиммасига юкланмайди. Балки қайтмаган имтиёзли кредит суммаси ваколатли давлат органининг харажатига олиб борилади. Масалан, АҚШда кичик бизнес субъектларга берилган ва қайтмаган имтиёзли кредитлар суммаси

махсус ваколатли давлат органи – Кичик бизнес маъмуриятининг харажатига олиб борилади.

Хулоса ва тавсиялар. Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

Нью-Йорк банки мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда 4 та молиявий коэффициентдан фойдаланади. Республикамик банклари амалиётида мазкур коэффициентларнинг фақат биттаси, яъни жорий ликвидлилик коэффициенти қўлланилади.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий коэффициентлар усулидан ташқари мижознинг умумий пул оқимини баҳолаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Корхонанинг умумий пул оқимини таҳлил қилиш асосида унинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш амалиёти корхонанинг умумий пул оқимини барча қарз мажбуриятлари суммасига бўлиш орқали унинг кредит тўловига лаёқатлилиги аниқланади.

Корхона умумий пул оқимининг жами қарз мажбуриятларига нисбатан даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг кредит тўловига лаёқатлилики даражаси шунча юқори бўлиши, биринчидан, пул маблағларининг ликвидлилик даражаси энг юқори бўлган актив эканлиги билан, иккинчидан, тижорат банклари кредитларини корхонанинг жорий ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳисобидан тўланиши билан изоҳланади.

Фикримизча, кредит механизмининг элементлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш орқали кредит riskини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда “5С” қоидасидан фойдаланиш лозим; иккинчидан, ишлаб чиқариш даври қисқа бўлган ва барқарор пул оқимига эга бўлган мижозларни алоҳида гуруҳга ажратган ҳолда, уларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини умумий пул оқимининг мажбуриятларга нисбатан даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш керак; учинчидан, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлашда уларнинг фаолиятига молиявий рискларнинг таъсирини ҳисобга олиш лозим.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда “5С” қоидасидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур қоида мижознинг кредит тўловига лаёқатлилигини тавсифловчи асосий жиҳатларни аниқ баҳолаш имконини беради.

“5С” қондаси қуйидаги элементлардан иборат:

- character (мижознинг характери);
- capacity (молиявий имкониятлар);
- capital (капитал, мулк);
- collateral (таъминот);
- conditions (умумий иқтисодий шароит).

2. Кредитлаш шаклларида тўлақонли (комплекс) фойдаланишни таъминлаш учун, биринчидан, ишлаб чиқариш даври қисқа бўлган ва барқарор пул оқимига эга бўлган мижозларни алоҳида гуруҳга ажратган ҳолда, уларга бериладиган овердрафт кредитлари ҳажмини ошириш зарур; иккинчидан, тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган ва лойиҳа ташаббуско-

ри мақомига эга бўлган мижозларга контокор-рент кредитларини беришни йўлга қўйиш керак; учинчидан, барқарор пул оқимига эга бўлмаган, аммо юқори ликвидли гаров объектига эга бўлган мижозларга алоҳида ссуда ҳисобварағидан бир маротабали кредитлар бериш лозим; тўртинчидан, тўлова қобиллик рейтинги юқори бўлган ҳамкорларга эга бўлган мижозлар – мол етказиб берувчилаарга факторинг ва форфейтинг кредитлари беришни йўлга қўйиш зарур; бешинчидан, муддатли ликвидлилик коэффициенти юқори бўлган мижозларга лизинг кредитлари бериш кўламини кенгайтириш керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.10.2021 й., 06/21/6325/0972-сон; 30.12.2021 й., 06/21/42/1224-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон; 27.04.2023 й., 06/23/62/0232-сон; 07.07.2023 й., 06/23/108/0460-сон.
2. Банковское дело. Учебник. Под ред. проф. О.И.Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.; Бровкина Н.Е. Организация отдельных видов кредита. Банковское дело. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.; Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. – М.: ИКЦ «ДИС», 1997. – 464 с.; Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – 1018 с.
3. Лаврушин О.И. Банковские риски. Учебник. – М.: КНОРУС, 2019. – 292 с.
4. Шкарупа Е.А. Роль кредитного механизма функционирования финансово-кредитной инфраструктуры в расширении предпринимательского потенциала населения (на примере сельскохозяйственных товаропроизводителей). // Современные проблемы науки и образования. 2014. № 5. URL: <http://science-education.ru/119-15255> (дата обращения: 20.03.2017).
5. Роднина А.Ю. К вопросу о взаимосвязи кредита как кругооборотного процесса со структурно-функциональным подходом к определению кредитного механизма. // Многоуровневое общественное воспроизводство: вопросы теории и практики. 2013. № 5. С. 237-247.
6. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. С. 213.
7. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. – Т., 2018. – 61 б.
8. Синки мл. Д.Ф. Управление финансами в коммерческом банке. Пер. с англ. – М.: Саталлахи. 1997. С. 182.
9. Банковское дело. Учебник. Под ред. проф. О.И.Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. С. 367.
10. Банковское дело. Под ред. проф. О.И.Лаврушина. Учебник. – М.: КНОРУС, 2008. С. 387.
11. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. С. 262.
12. Гадов С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик riskини бошқаришнинг долзарб масалалари. // Молия. – Т., 2019. 4-сон. 43-50-б.